



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 6 » dekabr

№ 737

Toshkent sh.

### **Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

#### 1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 мартдаги ПҚ–5020-сон қарорига мувофиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида уларга **ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига:**

нотулар жойларда истиқомат қилаётган аёлларни уй-жой билан таъминлашга – **10 миллиард сўмдан;**

ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга – **5 миллиард сўмдан** маблағ ажратилиши кўзда тутилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартдаги ПФ–6186-сон Фармонида мувофиқ:

уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар, шу жумладан, хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **1 000 та** квартира сотиб олиниши;

Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга **ижара харажатларининг бир қисмини қоплаш** учун маҳаллий бюджет маблағларидан олти ой давомида ойлик ижара тўловининг **50 фоизи** миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим бараваридан ошмаган ҳолда ойлик пул компенсациясини тўлаш тартибини жорий қилиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) **Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги** низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

туман (шаҳар)ларда ташкил этиладиган Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссиялари томонидан **нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни** (кейинги ўринларда – уй-жойга муҳтож хотин-қизлар) **аниқлаш;**

уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредити бўйича уй-жойларнинг ҳисобланган қийматининг **15 фоизи** миқдорида **бошланғич бадални тўлаб бериш**, шунингдек, биринчи беш йил давомида **фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш** учун – Тошкент шаҳрида 12 **фоизлик** пунктдан ошган қисмига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 10 **фоизлик** пунктдан ошган қисмига **субсидиялар ажратиш;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **ижтимоий уй-жойларни сотиб олиш;**

уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий уй-жойларга **ижара ҳуқуқи асосида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга кейинчалик узайтириш имконияти билан жойлаштириш;**

ижтимоий уй-жойдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини уй-жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб унинг 1 квадрат метри учун Тошкент шаҳрида **бир йилга базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи**, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **1 фоизи** миқдорида белгилаш;

ижтимоий уй-жойни ижарага бериш тўғрисидаги шартномада уй-жойга муҳтож хотин-қизлар зиммасига **ижтимоий мажбуриятлар** (касб-ҳунарга ўқиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ёки ўзини ўзи банд қилиш, мактаб ёшидаги болаларининг мактабга қатнашишини таъминлаш ва бошқалар) **юклашни назарда тутиш**;

ваколатли давлат органлари томонидан ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилган **уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш** бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;

уй-жойга муҳтож хотин-қизлар аниқланиши, ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал тўлаб берилиши ва фоиз тўловларининг бир қисми қоплаб берилиши, ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилиши устидан “Халқпарвар” комиссиялари томонидан **жамоатчилик назоратини ўрнатиш**;

**б) Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга ижара компенсациясини тўлаш тўғрисидаги вақтинчалик низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

“Халқпарвар” комиссиялари билан келишган ҳолда ижара компенсацияси тўланадиган муҳтож фуқаролар рўйхатини **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими** орқали шакллантириш;

ижара компенсациясини уни тўлаш тўғрисида туман ҳокимининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб **6 ой давомида** тўлаб бориш;

ижара компенсациясини ижара шартномасига асосан **ижара тўловининг 50 фоизи миқдорида**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим бараваридан ошмаган миқдорда тўлаш;

ижара компенсацияси бўйича харажатларни Тошкент шаҳар туманлари бюджетлари, зарур ҳолларда эса Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

ижара компенсациясининг ўз вақтида ва манзилли тўланиши бўйича масъул ташкилотларнинг масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш;

ижара компенсацияси тўланиши бўйича мониторинг олиб бориш ва ижара компенсацияси тўланишини тўхтатиш.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ижтимоий уй-жойларни ижарага бериш шартномасининг намунасини ишлаб чиқсин, шу жумладан, ушбу уйларда яшаётган шахслар зиммасига юкланадиган ижтимоий мажбуриятларнинг аниқ рўйхатини белгиласин;

ижтимоий уй-жойларни ижарага бериш шартномасининг намунасини ўзининг расмий веб-сайтида ҳамда “[yurxizmat.uz](http://yurxizmat.uz)” махсус ахборот порталига жойлаштирсин ва туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

5. Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 6 декабрдаги 737 – сон қарорига  
1-илова

**Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек,  
ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда  
ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида  
бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни  
уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни (кейинги ўринларда – уй-жойга муҳтож хотин-қизлар) уй-жой билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ижтимоий уй-жой (квартира)** – уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинган уй-жой фонди;

**нотурар жой** – маъмурий бино, шийпон, ертўла, чердак ва бошқа яшаш учун мўлжалланмаган жой;

**нотурар жойларда истиқомат қилаётган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар** – “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган, нотурар жойларда истиқомат қилаётган, ўзида (шу жумладан, оила аъзоларида) мулк ҳуқуқи асосида турар жой бўлмаган (охирги бир йил давомида ўзига тегишли бўлган турар жойни сотмаган ёки ҳадя қилмаган) хотин-қизлар;

**ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар** – “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган, вояга етгунга қадар ота-онаси ёки улардан бири вафот этган (бедарак йўқолган) ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида истиқомат қилаётган вояга етган (18 ёшдан 35 ёшга қадар бўлган), ўзида (шу жумладан, оила аъзоларида) мулк ҳуқуқи асосида турар жой бўлмаган (охирги бир йил давомида ўзига тегишли бўлган турар жойни сотмаган ёки ҳадя қилмаган) хотин-қизлар.

## **2-боб. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш**

3. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлаш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ намунавий таркибда туман (шаҳар)ларда ташкил этиладиган **Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси** (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан амалга оширилади.

Туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Уй-жой шароитини яхшилаш истагида бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ўзини ўзи бошқариш органи ёки Комиссиянинг ишчи органига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича **сўровнома-ариза** билан мурожаат қилади.

Бунда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими ва Комиссия ишчи органи уй-жойга муҳтож хотин қизларга сўровнома-аризани тўлдиришда бевосита кўмаклашади.

5. Ҳар чоракда чорак биринчи ойининг 15-кунига қадар Комиссия аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи масъул ходими билан биргаликда уй-жойга муҳтож хотин-қизлар истиқомат қилаётган манзил бўйича жойига чиққан ҳолда хотин-қизларнинг яшаш шароитларини, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини ўрганади.

Ўрганиш натижалари, шунингдек, сўровнома-аризада кўрсатилган ҳамда электрон ахборот алмашинуви орқали ваколатли вазирлик ва идоралардан олинган маълумотлар асосида Комиссия мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда қуйидагиларни **тасдиқловчи далолатнома** тузади:

уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг оила аъзолари таркиби;

ёлғиз ёки оила аъзолари (бошқа шахслар) билан истиқомат қилаётганлиги;

вояга етгунга (18 ёшга) қадар **ота-онаси ёки уларнинг бири** вафот этганлиги (бедарак йўқолганлиги);

ногиронлиги бўлган шахс, шу жумладан, ногиронлиги бўлган бола парвариши билан бандлиги;

уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг яшаш шароити, қанча вақтдан буён нотурар жойда истиқомат қилаётганлиги (агар нотурар жойда истиқомат қилаётган бўлса);

уй-жой майдони қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқлиги;

ўзида ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларида мулк ҳуқуқи асосида турар жой мавжуд эмаслиги (охирги бир йил давомида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни сотмаганлиги ёки ҳадя қилмаганлиги);

уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредитлари орқали уй-жой олиш имконияти яратилган тақдирда, кредит тўловларини тўлаш имконияти мавжудлиги ёки келажакда мавжуд бўлиши;

уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг ўзи ёки оила аъзолари орасида сурункали касалликларнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахслар, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мавжудлиги.

6. Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида ушбу маълумотлар “Маҳалла” ягона ахборот тизими дастури орқали тегишли вазирликлар ва идораларнинг электрон маълумотлар базалари билан солиштирилади. Электрон ахборот алмашинуви орқали маълумот олиш имкони бўлмаган ҳолларда вазирликлар ва идоралардан муҳтож хотин-қизлар бўйича зарур маълумотлар сўраб олинади.

Тегишли вазирликлар ва идоралардан электрон ёки қоғоз шаклида олинган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

7. Комиссия уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг эҳтиёжмандлиги даражаси, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ҳамда мавжуд ижтимоий уй-жойлар сонидан келиб чиқиб муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масалаларини ўрганиб чиқади.

Ўрганиш якунига кўра Комиссия уй-жойга муҳтож хотин-қизлар бўйича:

уларга ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фойз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш тўғрисида;

уларни ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар баённомалар шаклида расмийлаштирилади ҳамда улар ўрганиш далолатномалари билан биргаликда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимида беш йил мобайнида сақланади.

8. Илгари мақсадли дастурлар доирасида имтиёзли ипотека кредитлари орқали квартира ёки якка тартибдаги уй-жойлар билан таъминланган ҳамда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ёки уй-жойлар таъминоти билан

боғлиқ бошқа имтиёزلардан фойдаланган хотин-қизлар мазкур Низом асосида уй-жойлар билан таъминланишига йўл қўйилмайди.

9. Ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш муддати беш йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш муддатини узайтириш ушбу Низомда белгиланган умумий асосларда амалга оширилади.

10. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ушбу Низомга мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқи бир марта берилади.

11. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида уларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш ҳамда ижтимоий уй-жойлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан уй-жойга муҳтож хотин-қизлар сонидан келиб чиқиб туман ва шаҳарлар бўйича тақсимланади.

**3-боб. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш тартиби**

12. Комиссия қарори асосида уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредитлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–5886-сон Фармони билан жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартибига мувофиқ мазкур Низомнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ажратилади.

13. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал уй-жойларнинг ҳисобланган қийматининг 15 фоизи миқдорида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўлаб берилади. Бунда:

уй-жойларнинг ҳисобланган қиймати Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 11 мартдаги ПФ–6186-сон Фармонида белгиланган тартибда аниқланади;

сотиб олинадиган уй-жойнинг шартномадаги қиймати уй-жойларнинг ҳисобланган қийматидан кам бўлган тақдирда, бошланғич бадал шартномада кўрсатилган қийматнинг 15 фоизи миқдорида ажратилади;

тижорат банклари туман (шаҳар) молия бўлимларига ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлашга маблағ ажратиш учун буюртманома киритади;

туман (шаҳар) молия бўлимлари 3 иш куни ичида ипотека кредити бўйича бошланғич бадал суммасини тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиб беради.

14. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш орқали амалга оширилади.

15. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратишда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарорида белгиланган масъул ташкилотлар томонидан ариза берувчини ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш ва туман (шаҳар)да субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқиш ва уларга субсидия хабарномаларини бериш тартиби татбиқ этилмайди.

Бунда, Комиссиянинг уй-жойга муҳтож хотин-қизлар бўйича қабул қилган қарори уларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратишга асос бўлади.

#### **4-боб. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни сотиб олиш тартиби**

16. Ижтимоий уй-жойлар:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадаллар тўлаб бериш учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмини қайта йўналтириш ҳисобидан;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

ижтимоий уй-жойга бўлган қўшимча талабдан келиб чиқиб маҳаллий бюджетлар даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан сотиб олинади.

Бунда:

мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган манбалар ҳисобидан ижтимоий уй-жойлар сотиб олишда тегишли маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланадиган уй-жойларнинг ҳисобланган қийматини инобатга олган ҳолда ижтимоий уй-жойлар умумий майдонининг 48 квадрат метрдан ошмаган майдонга мос қийматдан келиб чиқиб ажратилади;

сотиб олинаётган ижтимоий уй-жой нархининг қолган қисми мазкур банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган манбалар ҳисобидан қопланади.

17. Ижтимоий уй-жойлар тегишли ҳудуддаги бирламчи уй-жой бозоридан сотиб олинади.

18. Сотиб олинаётган ижтимоий уй-жойларнинг майдони ва нархи қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланадиган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан ошмаслиги лозим.

19. Ижтимоий уй-жойлар муниципал мулк ҳуқуқи асосида туман (шаҳар) ҳокимлигига тегишли бўлади ва улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади.

#### **5-боб. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш тартиби**

20. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш ушбу Низомга 4-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

21. Ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилиши лозим бўлган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар Комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингандан кейин кўпи билан 30 кундан ошмаган муддат ичида ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилади.

22. Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ижтимоий уй-жойларга туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштирилади. Бунда, ижтимоий уй-жой:

белгиланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бериши;

фойдаланишга тайёр ҳолда бўлиши лозим.

23. Комиссия қарори асосида ижтимоий уй-жойга жойлаштириладиган хотин-қизлар билан туман (шаҳар) ҳокимлиги ўртасида:

20 кун ичида ижтимоий уй-жой ижара шартномаси (кейинги ўринларда – ижара шартномаси);

ижара шартномаси тузилгандан сўнг 5 кун ичида ижтимоий уй-жойни топшириш – қабул қилиш далолатномаси тузилади.

24. Ижара шартномасида ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга ижтимоий мажбуриятлар (касб-хунарга ўқиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ёки ўзини ўзи банд қилиш, мактаб ёшидаги болаларининг мактабга қатнашишини таъминлаш ва бошқалар) юкланади.

Ижара шартномасининг намунаси ҳамда ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга юкланадиган ижтимоий мажбуриятларнинг намунавий рўйхати Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади, унинг расмий веб-сайтида ҳамда “yurxizmat.uz” махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги хотин-қизларни ижтимоий уй-жойга жойлаштирганда, ҳар битта ҳолатни алоҳида ўрганган ҳолда, уларга тўғри келадиган ижтимоий мажбуриятларни белгилайди ва ушбу мажбуриятларни шартномада назарда тутди.

25. Комиссия қарори қабул қилиниб, ижара шартномаси ва ижтимоий уй-жойни топшириш – қабул қилиш далолатномаси тузилгандан сўнг 5 кун ичида уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ижтимоий уй-жойга жойлаштирилади.

26. Ногиронлиги бўлган шахслар, кекса ёшдаги ва ўзи ҳаракатлана олмайдиган шахслар устувор равишда кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватидаги ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилади.

27. Ижтимоий уй-жойдан фойдаланганлик учун ижара ҳақи Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидаги турар жойларни ижарага бериш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда кўрсатилган миқдорларда ижара шартномаларига мувофиқ белгиланади.

#### **6-боб. Ижтимоий уй-жойлардан фойдаланиш юзасидан мониторинг олиб бориш ва ижтимоий уй-жойларни қайтариб олиш тартиби**

28. Ижара шартномасида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки унинг ваколатли органи, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари, шунингдек, Комиссия аъзолари томонидан доимий мониторинг олиб борилади.

29. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ваколатли давлат органлари билан биргаликда ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларнинг

ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш, шу жумладан, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали яшаш учун даромад манбаларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради.

30. Ижара шартномасига мувофиқ ижтимоий уй-жойни соз ҳолатда сақлаш, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ва уни сақлашга кетадиган харажатларни, шу жумладан, электр энергияси, табиий газ, иссиқлик ва бошқа коммунал хизматлар ҳақини тўлаб бориш ижтимоий уй-жойда истиқомат қилувчи хотин-қизлар томонидан амалга оширилади.

31. Ижтимоий уй-жой қуйидаги ҳолларда Комиссия қарори асосида қайтариб олинади:

- а) ижара шартномаси талаблари бажарилмаган тақдирда;
- б) ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб кетган тақдирда;
- в) ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар вафот этган (бедарак йўқолган) тақдирда;
- г) ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари давлат таъминотига олинган тақдирда;
- д) ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар суд ҳуқми асосида озодликдан маҳрум этилган тақдирда;
- е) ижтимоий уй-жой асоссиз ўзга бир шахсга ижарага ёки бошқа шаклда берилганда;
- ж) ижтимоий уй-жойда яшовчи хотин-қизлар ёки бирга яшайдиган оила аъзолари ўз номига уй-жой сотиб олганда давлат кадастр органларининг маълумотномаси ёки хотин-қизларнинг ёзма розилиги асосида;
- з) ижтимоий уй-жой яшаш учун яроқсиз ҳолга ёки авария ҳолатига келиб қолган тақдирда;
- и) ижтимоий уй-жой бузилиши лозим бўлган тақдирда.

32. Ижтимоий уй-жойни қайтариб олишда Комиссия ижтимоий уй-жойни жойига чиқиб ўрганади ва уни қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида мазкур уй-жойда яшовчиларга 30 кун ичида ижтимоий уй-жойни бўшатиш тўғрисида хабарнома юборилади.

33. Ижтимоий уй-жойни бўшатиш рад этилган тақдирда, ижтимоий уй-жойда истиқомат қилаётган хотин-қиз бирга яшовчи барча шахслар билан биргаликда бошқа турар жой берилмасдан суд тартибида кўчириб юборилади, мазкур Низомнинг 31-банди “з” ва “и” кичик бандларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

34. Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар вафот этган (ёлғиз яшаганда) ёки бошқа жойга доимий яшаш учун чиқиб кетган ҳолларда ушбу ижтимоий уй-жойга мазкур Низомда белгиланган тартибда бошқа муҳтож хотин-қизлар жойлаштирилади.

#### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

35. Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар аниқланиши, уларга ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал тўлаб берилиши ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратилиши, ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармониға мувофиқ ташкил этилган “Халқпарвар” комиссиялари томонидан амалға оширилади.

36. Мазкур Низом асосида уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жойлар билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалға оширилади.

37. Комиссия фаолияти, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

38. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Уй-жойга мухтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссиясининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) ҳокими, *комиссия раиси*
2. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, *комиссия раиси ўринбосари*
3. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи
4. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи
5. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи
6. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш маркази директори
7. Лавозимига кўра – туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, *комиссия котиби*

**Изоҳ.** *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

*Зарур ҳолларда Комиссия таркибига тижорат банкнинг туман (шаҳар) филиали ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам жалб қилиниши мумкин.*

Нотурар жойларда истиқомат қилаётган,  
шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан  
айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа  
шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга  
муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

### СЎРОВНОМА-АРИЗА

Ариза рақами \_\_\_\_\_  
Қабул қилиш санаси \_\_\_\_\_  
Аризани қабул қилган шахс \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_  
Фамилияси \_\_\_\_\_ Исм \_\_\_\_\_ Отасининг исми \_\_\_\_\_

#### 2. Манзил

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ тумани \_\_\_\_\_ аҳоли пункти

#### 3. Туғилган санаси

\_\_\_\_/\_\_\_\_/\_\_\_\_

#### 4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР)

#### 5. Оилавий аҳволи

\_\_\_\_\_

#### 6. Асосий фаолият тури (бандлик)

\_\_\_\_\_

#### 7. Хар ойлик даромади миқдори

\_\_\_\_\_

#### 8. Оила аъзоларингизни

уларнинг ёшини кўрсатган ҳолда санаб ўтинг

1. \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ёшда
2. \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ёшда
3. \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ёшда
4. \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ёшда
5. \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ёшда
6. \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ ёшда

#### 9. Қуйидаги шахслар Сизнинг

оилангизда яшайдими? Агар яшаса, сонини кўрсатинг

1. Биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган \_\_\_\_\_ кв.м. шахслар \_\_\_\_\_ нафар
2. Сурункали касалликларнинг оғир турларига чалинганлар \_\_\_\_\_ нафар
3. Оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган фарзандлар \_\_\_\_\_ нафар

#### 10. Ҳозирги вақтда оиланинг бир

аъзосига тўғри келадиган турар жой майдони

#### 11. Сизнинг ҳозирги турар

жойингиз (қайси ҳуқуқ асосида)

\_\_\_\_\_ мулк  
\_\_\_\_\_ ижара  
\_\_\_\_\_ текин фойдаланиш

#### 12. Уй-жой шароитингизни

яхшилаш бўйича қандай ёрдам олмоқчисиз?

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

#### 13. Сиз билан алоқа қилиш учун маълумотлар?

электрон манзил \_\_\_\_\_  
уй тел: \_\_\_\_\_  
иш тел: \_\_\_\_\_  
уяли тел: \_\_\_\_\_

*Мен юқорида кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайман. Менинг ва оила аъзоларимнинг иш ҳақлари ва бошқа барча даромадлари ҳамда мулкӣ ва моддий ҳолати текширилишига розилик бераман. Паспорт ва ижтимоий мезонларга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади.*

\_\_\_\_\_ ИМЗО

\_\_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_ ой \_\_\_\_\_ кун

Нотурар жойларда истиқомат қилаётган,  
шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан  
айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа  
шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга  
муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

## Уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жой шaroитларини ўрганиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари –  
маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи, туман  
(шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, туман (шаҳар) ички ишлар  
органи бошлиғи, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш маркази директори, туман (шаҳар) маҳалла ва  
оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари билан биргаликда  
қуйидаги таркибда

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (МФЙ), \_\_\_\_\_ (даҳа, массив ёки нотурар  
жойнинг жойлашган жойи), \_\_\_\_\_ кўчаси, \_\_\_\_\_-уйда,  
\_\_\_\_\_ -корпусда, \_\_\_\_\_ квартирада \_\_\_\_\_ йилдан буён истиқомат қилаётган  
фуқаро \_\_\_\_\_ нинг яшаш шaroитлари текширувдан  
ўтказди ва қуйидагиларни аниқлади:

1. \_\_\_\_\_ эгаллаб турилган  
турар жой умумий майдони \_\_\_\_\_ кв.м. яшаш майдони \_\_\_\_\_ кв.м. \_\_\_\_\_ хонадан  
иборат.

Ҳар бир хонанинг ўлчами

\_\_\_\_\_ кв.м.  
\_\_\_\_\_ кв.м.  
\_\_\_\_\_ кв.м.

\_\_\_\_\_ -каватли бинонинг \_\_\_\_\_ -каватида \_\_\_\_\_ хоналар.

Нотурар жой \_\_\_\_\_  
(ғишт, панель, ёғоч, вагон, эски, авария ҳолатида)

Хоналар \_\_\_\_\_

Квартира \_\_\_\_\_  
(курук, зах, ёруғ, коронғи)

\_\_\_\_\_ (алоҳида, коммунал)

2. Нотурар жойнинг тавсифи:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(электр, газ, сув таъминоти, иситиш (марказий, печь билан), пардоз берилган, хожатхона, ҳаммом)

3. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг ота-онаси тўғрисидаги маълумотлар: \_\_\_\_\_

4. Фаолият тури: \_\_\_\_\_

5. \_\_\_\_\_  
(нотурар жой эгаси (балансда сакловчи))

6. Ушбу нотурар жойда яшовчилар:

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган санаси	Қариндошлик даражаси	ЖШШИР	Мақоми (бандлиги)	Қўшимча маълумотлар
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
...						

7. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг моддий ҳолати даражаси (паст, ўрта, юқори), бундай баҳоланишнинг сабаблари ва ҳисоб-китоблар:

\_\_\_\_\_

8. Турар жойнинг яшаш учун яроқсизлиги сабаблари:

\_\_\_\_\_

9. Хулоса:

\_\_\_\_\_

Комиссия аъзоларининг имзолари:

Комиссия раиси

\_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
хокими

1. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.) (имзо)

Комиссия раиси ўринбосари

\_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
хокимининг ўринбосари – маҳалла  
ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими  
бошлиғи

2. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.) (имзо)

Комиссия аъзолари:

3. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
молия бўлими бошлиғи  
(Ф.И.О.) (имзо)

4. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
кискартириш бўлими бошлиғи  
(Ф.И.О.) (имзо)

5. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
ички ишлар органи бошлиғи  
(Ф.И.О.) (имзо)

6. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
бандликка кўмаклашиш маркази директори  
(Ф.И.О.) (имзо)

Комиссия котиби

7. \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)  
маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш  
бўлимнинг хотин-қизлар масалалари  
бўйича ўринбосари  
(Ф.И.О.) (имзо)

Танишиб чиқдим:

Ариза берувчи: \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

Нотурар жойларда истиқомат қилаётган,  
шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан  
айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа  
шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож  
хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Нотурар жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан  
ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа  
шахслар қарамоғида бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни  
ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси	1. Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш масалаларини ўрганиб чиқади ва рўйхатни шакллантиради. 2. Ижтимоий уй-жойга жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.	Ҳар чоракда, чорак биринчи ойининг 15-қунига қадар
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимлиги	1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган маблағларни уй-жойга муҳтож хотин-қизлар сонидан келиб чиқиб туман ва шаҳарлар бўйича тақсимлайди. 2. Ижтимоий уй-жойларни сотиб олади.	Белгиланган муддатларда
3-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	1. Комиссия қарорида белгиланган муддатларга (кўпи билан 5 йил муддатга) ижтимоий уй-жойга жойлаштириладиган хотин-қизлар билан ижара шартномасини тузади. 2. Ижтимоий уй-жойни топшириш – қабул қилиш далолатномасини тузади. 3. Комиссия қарорига мувофиқ ижтимоий уй-жойга жойлаштиради.	1. Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг 20 кун ичида. 2. Ижара шартномаси тузилган кундан кейин 5 кун ичида. 3. Топшириш – қабул қилиш далолатномаси тузилган кундан сўнг 5 кун ичида.
4-босқич	Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари	1. Ижтимоий уй-жойга кўчиб киради. 2. Ижтимоий уй-жойни соз ҳолатда сақлайди. 3. Белгиланган миқдорларда сақлаш харажатлари ва ижара ҳақи тўловларини амалга ошириб боради.	1. Комиссия қарори қабул қилингандан кейин 30 кун ичида. 2. Ижара шартномасида белгиланган муддатларда.

5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	1. Ижара шартномасида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан мониторинг олиб боради. 2. Ижтимоий уй-жойни қайтариб олиш бўйича Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссиясига тақдимнома киритади.	1. Ҳар ойда бир маротаба. 2. Зарур ҳолларда.
6-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази	Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш, шу жумладан, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали яшаш учун даромад манбаларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириб боради.	Доимий (ижара муддати давомида)
7-босқич	Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси	1. Ижтимоий уй-жойни қайтариб олиш масаласини кўриб чиқади. 2. Ижтимоий уй-жойни бўшатиш тўғрисида хабарнома юборади.	1. Заруратга кўра. 2. Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида.
8-босқич	Ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари	Ижтимоий уй-жойни бўшатади.	1. Ижтимоий уй-жойни бўшатиш тўғрисида Комиссия хабарномасини олгандан кейин 30 кун ичида. 2. Ижара шартномасида белгиланган муддатларда.
9-босқич	“Халқпарвар” комиссияси	Уй-жойга муҳтож хотин-қизлар ижтимоий уй-жойларга жойлаштирилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ҳамда мазкур соҳада бюрократия, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг олдини олиш чораларини кўриб боради.	Доимий

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 6 декабрдаги 737 – сон қарорига  
2-илова

**Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган  
ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга  
олинган фуқароларга ижара компенсациясини тўлаш тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Вақтинчалик низом (кейинги ўринларда – Низом) Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга ижара харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ойлик пул компенсациясини (кейинги ўринларда – ижара компенсацияси) тўлаш тартибини белгилайди.

2. Бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқаролар ушбу Низомга мувофиқ ижара компенсацияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бунда, бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқаролар тоифасига Тошкент шаҳрида ўзининг ёки у билан бирга яшайдиган оила аъзолари номида мулк ҳуқуқи асосида турар жой бўлмаган ва ижара тўловини тўлиқ амалга ошириш имкони чекланган шахслар киради.

3. Ижара компенсацияси уни тўлаш тўғрисида туман ҳокимининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой давомида Тошкент шаҳрида яшаган давр учун тўланади.

4. Ижара компенсацияси миқдори ижара шартномасига асосан ижара тўловининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим бараваридан ошмаган ҳолда белгиланади.

Бунда, ижара компенсацияси миқдори туман ҳокимининг ижара компенсациясини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундаги базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб белгиланади ва 6 ой давомида ўзгаришсиз қолади (ижара шартномаси янгидан тузилган ҳолларда ҳам ушбу миқдор ўзгармайди).

5. Ижара компенсациясини тўлаш Тошкент шаҳар туманлари бюджети, зарур ҳолларда эса Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Ижара компенсациясининг ўз вақтида ва манзилли тўланиши учун Тошкент шаҳар ва тегишли туманлар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари шахсан масъул ҳисобланади.

## **2-боб. Ижара компенсацияси тўланадиган фуқаролар рўйхатини шакллантириш**

7. Ижара компенсацияси тўланадиган фуқаролар рўйхати мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ шакллантирилади.

8. Туман ҳокимлиги:

ҳар ойнинг 5-қунига қадар Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишган ҳолда ижара компенсациясини тўлаб бериш мақсадида туман маҳаллий бюджетининг иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан захира маблағларини шакллантиради;

ижара компенсациясини тўлаб бериш мақсадида шакллантирилган маблағлар бўйича маълумотларни ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда – секторлар) бўйича тақсимлайди ва маблағлар бўйича маълумотни тегишли секторларга юборади.

9. Секторлар томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, туман ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирокида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг рўйхатлари шакллантирилади.

10. Шакллантирилган рўйхатлардаги фуқароларнинг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида эътироф этилганлиги ёки эътироф этилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлими (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси бўлими) томонидан рўйхатлар олингандан кейин икки иш куни ичида текширилган ҳолда натижалари тўғрисида маълумот маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда туман ҳокимлигига тақдим этилади.

11. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида эътироф этилмаган фуқаролар тўғрисидаги маълумот маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан бир иш куни ичида тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ушбу фуқароларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида киритиш масаласини кўриб чиқиш учун юборилади.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари беш кун ичида белгиланган тартибда кам таъминланган деб эътироф этилмаган фуқароларнинг аризаларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган зарур ҳужжатлар билан бирга қабул қилади ва ҳар беш кунда Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этиб боради.

Мазкур фуқаролар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида электрон тарзда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн режимида аризаларни тақдим этишлари мумкин.

Пенсия жамғармаси бўлими ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича кам таъминланган деб эътироф этилган фуқароларнинг янгиланган рўйхатини туман ҳокимлигига тақдим этиб боради.

### 13. Туман ҳокимлиги:

Белгиланган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ–6186-сон Фармони билан ташкил этилган “Халқпарвар” комиссиялари билан келишган ҳолда бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган фуқароларнинг якуний рўйхатини шакллантиради;

Келишилган рўйхатдаги фуқароларга ижара компенсациясини ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарорини қабул қилади;

Ижара компенсацияси ажратиладиган фуқаро, ижарага берувчи билан уч томонлама ижара шартномасини имзолайди;

Ушбу Низомда белгиланган тартибда ижара компенсациясини тўлаб боради;

Ижарага олинган уй-жойни ўрганишнинг ойлик графигини тасдиқлайди.

14. Ижара компенсацияси тўланадиган фуқаролар рўйхати туман бюджетида ушбу мақсадлар учун қўшимча маблағлар ёки ижара компенсацияси олиб турган фуқаролар сони камайган ҳолларда мазкур Низомда белгиланган умумий асосларда шакллантирилади.

### **3-боб. Ижара компенсациясини тўлаш тартиби ва муддатлари**

15. Ижара компенсацияси белгиланган тартибда уч томонлама ижара шартномаси имзоланган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳар ойнинг 5-кунигача қадар тўлаб борилади.

16. Туман ҳокимлигининг бухгалтерия бўлими томонидан туман ҳокимининг қарорига ҳамда ижара шартномасига асосан ҳар ойнинг 5-кунига қадар маҳаллий бюджетларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида ижара компенсацияси тўғридан-тўғри ижарага берувчига тўланади.

17. Уй-жой (турар жой) ижараси бўйича бир неча асосга кўра компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга (оилага) уларнинг танлови бўйича битта компенсация тўланади.

18. Ижара компенсацияси тўлови қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:  
ижара шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинган бўлса;  
фуқаро ёки у билан бирга яшайдиган оила аъзолари мулк ҳуқуқи асосида турар жойга эга бўлганда;  
ижара компенсацияси тўлаш муддати тугаганда (6 ойдан кейин);  
фуқаро суд ҳукми асосида озодликдан маҳрум этилганда;  
фуқаро тўлиқ давлат таъминотига олинганда;  
Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудга доимий яшаш учун кўчиб кетганда;  
фуқаро вафот этганда.

19. Ижара компенсацияси олаётган фуқаро Тошкент шаҳрининг бошқа туманига кўчиб ўтганда, ижара компенсацияси тўлови умумий асосларда қайта кўриб чиқилади.

20. Ижара компенсациясини олиб турган фуқаро Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудга, Тошкент шаҳрининг бошқа туманига кўчиб ўтганда ҳамда ўзи ёки бирга яшовчи оила аъзолари уй-жой олган ҳолларда ушбу ойнинг охириг қунига қадар ижара компенсацияси тўловини амалга ошираётган туман ҳокимлигини хабардор этиши талаб этилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Секторлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан биргаликда туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан ҳар ойнинг охириг ҳафтасида ижарага олинган уй-жойга чиққан ҳолда фуқаронинг ижарага олинган манзилда истиқомат қилаётганлигини ўрганади ва далолатнома билан расмийлаштиради. Далолатнома икки нусхада тузилади ва унга ижарага олинган уй-жойнинг фотосурати илова қилинади.

22. Мазкур Низом доирасида ижара компенсациялари тўлаб берилишининг тўғрилиги ва мақсадлилиги юзасидан назорат Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

24. Мазкур Низом 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга ижара компенсациясини тўлаш тўғрисидаги вақтинчалик низомга илова

**Тошкент шаҳрида бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқаролар рўйхатини шакллантириш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Секторлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва бошқа ташкилотлар	1. Бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган фуқароларнинг рўйхатларини секторлар бўйича шакллантиради. 2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан шакллантирилган рўйхатларни Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.	Ҳар ойнинг 5-кунига қадар
2-босқич	Туман ҳокимлиги	Туман маҳаллий бюджетининг бошқа соҳалардан иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан захира маблағларини шакллантиради.	Ҳар ойнинг 5-кунига қадар
3-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	1. Рўйхатлар асосида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган фуқароларни текшириб чиқади. 2. Кам таъминланган деб эътироф этилган ва кам таъминланган деб эътироф этилмаган фуқаролар рўйхатларини туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этади.	2 иш куни ичида
4-босқич	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	Кам таъминланган деб эътироф этилмаган фуқаролар рўйхатларини тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юборади.	1 кун ичида
5-босқич	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи	Тақдим этилган рўйхатларга асосан ушбу фуқаролардан ариза ва зарур ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.	5 кун ичида
		Қабул қилиб олинган ариза ва зарур ҳужжатларни тегишли Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.	Ҳар 5 кунда
6-босқич	Пенсия жамғармаси бўлими	Тақдим этилган ҳужжатлар бўйича кам таъминланган деб эътироф этилган фуқароларнинг янгиланган рўйхатини туман ҳокимлигига тақдим этади.	Ҳар ойнинг 5-кунига қадар

7-босқич	Туман ҳокимлиги	<p>1. “Халқпарвар” комиссиялари билан келишилган ижара компенсациясини олувчи фуқаролар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида туман ҳокимининг қарорини қабул қилади.</p> <p>2. Ажратилган маблағлардан келиб чиқиб қарор билан тасдиқланган фуқароларга ижара компенсациясини тўлаш бўйича уч томонлама (ҳокимлик, фуқаро ва ижарага берувчи ўртасида) шартномаларни имзолайди.</p>	Белгиланган муддатларда
8-босқич	Туман ҳокимлигининг бухгалтерия бўлими	Туман ҳокимининг қарори ва ижара шартномасига асосан ижара тўловининг 50 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг икки ярим бараваридан ошмаган миқдорда ижара компенсациясини тўғридан-тўғри ижарага берувчига тўлаб боради.	Туман ҳокимининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой давомида ҳар ойнинг 5-кунига қадар
9-босқич	Секторлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ва бошқа ташкилотлар	Ижарага олинган уй-жойга чиққан ҳолда фуқаронинг ижарага олинган манзилда истиқомат қилаётганлигини ўрганади ва далолатнома билан расмийлаштиради.	Ҳар ойнинг охирига ҳафтасида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 6 декабрдаги 737 – сон қарорига  
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги  
170-сон қарори билан тасдиқланган Давлат уй-жой фондидаги  
турар жойларни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Низомнинг номи ва 1-банди “ижарага бериш” сўзларидан кейин “ва ҳисобини юритиш” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. 21-банднинг биринчи хатбошисидаги “бошқа вилоятларда” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда” сўзлари билан алмаштирилсин.

